

# АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

## СОҒЛОМ БОЛА – КЕЛАЖАК СОҶИБИ

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси нашриёти

Тошкент – 2014

Илмий-методика ва тадқиқот хизмати томонидан тайёрланди

*Тузувчи*  
*Муҳаррир*

*О.Қиличбоев*  
*Шукур Қурбон*

Адабиётларнинг библиографик рўйхатини  
тузувчилар: Н.Умарова, Ф.Рўзиева

Ушбу методик қўлланма “Соғлом бола йили” муносабати билан тайёрланди. Қўлланмада “Соғлом бола йили”да ҳукуратимиз томонидан олиб борилаётган ишлар ва давлат дастури ҳақида умумий маълумотлар, шунингдек, ахборот-кутубхона муассасасаларида ўтказилиши мумкин бўлган тадбирлар ҳамда адабиётларнинг библиографик рўйхати берилди.

Қўлланма ахборот-кутубхона муассасаларининг мутахассислари учун мўлжалланган.

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2014 й.

## Муқаддима

Ҳар бир давлат, жамият ўз мамлакатининг равнақи, ривожланишини биринчи навбатда табиий заҳиралари, қазилма ва бошқа бойликлардагина эмас, балки халқнинг илмий салоҳияти, интеллектуал қобилияти, ёш авлоднинг билимга, ҳаётга бўлган муносабатида деб билади. Шу туфайли ўз давлати келажаги порлоқ, буюк бўлишини ният қилган давлатлар аввало ёшлар тарбиясига, уларнинг соғлом ўсишига доир барча чораларни кўрадилар.

Бош қомусимиз Конституцияга асосан қабул қилинган бир қатор қонунлар ёшлар тарбиясига тааллуқли масалаларни энг юқори даражада ҳал этишни таъминлайди. Ёшлар тарбияси каби ўта муҳим вазифани бажариш ота-оналардан, барча давлат органларидан, жамиятдан улкан масъулият ва фидокорликни талаб этади. Ўсиб келаётган авлодни Ватанга, Юртга, жамиятга, оилага содиқ фарзанд этиб тарбиялаш, Юрт равнақи, ҳимояси йўлида онгли қарор қабул қилишга қодирлик руҳида балоғатга етказиш бугуннинг энг долзарб муаммоси ва талабидир. Ёшлар давлат ва миллат истиқболини белгилайди. Келажакни эса, фақат билимли, ҳам маънан, ҳам жисман соғлом фарзандлар билангина қуриш мумкин. Муҳтарам Президентимиз “Жисмоний, маънавий, маданий жиҳатдан соғлом авлодсиз биз ўйлаган ва режалаштираётган катта марраларга эришиб бўлмайди” дейдилар. Ёшларни соғлом ва билимли қилиб тарбиялаш барчанинг олдида турган энг эзгу мақсадга айланди. Ушбу эзгу мақсадларни амалга оширишда юртимизда фаолият кўрсатаётган ахборот-кутубхона муассасаларига ҳам юксак, устувор вазифаларни амалга ошириш масъулияти юкланади. Бу борада “Миллий умумтаълим электрон кутубхона” лойиҳасининг амалга оширилиши ҳам болаларнинг интеллектуал ривожланишига кўмаклашади. Лойиҳада турли билим олишга оид ва ўқув материалларини электрон шаклга ўтказиш маркази, мультимедиа ахборот-ресурс маркази, шунингдек, интеграциялашган ахборот-кутубхона тармоғи ташкил этилиши, Ўзбекистондаги барча ахборот-кутубхона

муассасаларининг 2020 йилгача ушбу тармоққа уланиши мўлжалланган. Бу ишлар босқичма-босқич давом эттирилади. Натижада, фойдаланувчиларнинг, хусусан ёшларнинг ҳар томонлама илмли ва билимли бўлишига янада қулай имконият ва шароитлар яратилади ва уларнинг эртанги куни етук инсонлар бўлиб етишишига замин яратади.

Юртимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ва ундан кейинги йилларда ҳам ёшларга қулай шароитлар яратиб берилмоқда. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Эслатиб ўтамиз, йилларга турли хил рамзий ном бериш 1991 йилдан буён мавжуд. Хусусан, 1991 йил 28 январдаги “Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Президент Фармонида биноан 1991 йил “Алишер Навоий йили” дея эълон қилинган. Мазкур фармонда юбилей танталари 1991 йил сентябрь ойида нишонланиши белгилаб қўйилди. Кейинги йилларда Мирзо Улуғбек (1994), Амир Темур (1996) йиллари ҳам эълон қилинган.

1997 йилдан бошлаб эса, Президентимиз томонидан ҳар йили Конституция қабул қилинган кун арафасида келаси йилга рамзий ном бериш ўзига хос анъанага айланди. Бугунги кунгача йилларга мос равишда қуйидагича ном берилган:

1997 – Инсон манфаатлари йили

1998 – Оила йили

1999 – Аёллар йили

2000 – Соғлом авлод йили

2001 – Оналар ва болалар йили

2002 – Қарияларни кадрлаш йили

2003 – Обод маҳалла йили

2004 – Меҳр-мурувват йили

2005 – Сихат-саломатлик йили

2006 – Ҳомийлар ва шифокорлар йили

2007 – Ижтимоий ҳимоя йили

2008 – Ёшлар йили

2009 – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

2010 – Баркамол авлод йили

2011 – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

2012 – Мустақкам оила йили

2013 – Обод турмуш йили

Ушбу қўлланмада юртимизда ёшлар, айниқса, соғлом авлод учун ҳукуматимиз томонидан қилинаётган ишлар ҳақида қисқача маълумотлар, шунингдек, 2014 йилда ахборот-кутубхона муассасалари томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган тадбирлар режаси берилган.

## **ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТ**

18 ёшга тўлмаган ҳар бир инсон зоти, агар болага нисбатан қўлланиладиган қонун бўйича, у эртароқ балоғатга етмаган бўлса (эмансипация), бола ҳисобланади.

**“Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция, 1-модда**

## Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур

Президентимиз таъкидлаганларидек, “Ҳар қандай инсоннинг энг мўътабар орзуси, астойдил интилган асосий мақсади – соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, ҳар томонлама комил инсонни вояга етказишдан иборат”дир. Мамлакатимизда жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш масаласи биз учун умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлиб, бу эзгу мақсад йўлида амалга ошираётган ишларимизни изчил ва қатъиятлик билан давом эттириш бугунги сиёсатимизнинг диққат марказида турибди.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимида Мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб юртимизда соғлом она – соғлом бола масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлангани, кенг кўламли умуммиллий дастурларимиз доирасида амалга ошираётган улкан ишлар жаҳон миқёсида ҳам тан олингани, айни вақтда, бугунги шиддатли замон, ҳаётнинг ўзи ёш авлод тарбияси борасида олдимизга янги-янги, ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўяётганлигини таъкидлаб, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни изчил давом эттириш ва юксак босқичга кўтариш мақсадида 2014 йилни мамлакатимизда “Соғлом бола йили” деб эълон қилишни таклиф этдилар.

Президентимиз соғлом боланинг дунёга келиши, бақувват бўлиб ўсиб-улғайиши кўпгина талаб ва омилларга боғлиқ эканини айтиб ўтиб, ушбу йилда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларни бирма-бир санаб ўтдилар.

**Биринчидан,** соғлом бола – аввало, соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир. Шу маънода, жорий йилда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш каби масалалар эътибор марказига қўйилиши зарур.

**Иккинчидан,** соғлом болани вояга етказишда соғлиқни сақлаш тизимининг ўрни ва таъсири, шу билан бирга, масъулияти каттадир. Оналар ва болалар саломатлигини асрашга хизмат қиладиган тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш керак. Болаларнинг соғлом, бенуқсон бўлиб туғилиши учун ота-оналарнинг тиббий маданиятини юксалтириш, шунингдек, тиббиёт ходимларининг бу борадаги масъулиятини янада ошириш даркор.

**Учинчидан,** соғлом болани вояга етказишда таълим-тарбия ва спортнинг ўрни ва таъсирини янада кучайтириш лозим. Шу жумладан, бошланғич таълимнинг сифатини ошириш, таълим стандартлари, ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларни такомиллаштириш, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш тақозо этилади.

Соғлом ва маънавий бой, интеллектуал ривожланган, ахлоқан етук, жисмонан бақувват авлодни, ҳар томонлама камол топган шахсни тарбиялаш ва вояга етказиш мақсадида “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши, бугунги кунда спортга бўлаётган талаб ва яратилаётган шароитлар ҳам фикримизнинг яққол исботидир.

Мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштириш, Ватан равнақини таъминлайдиган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш масалаларига жиддий эътибор берилмоқда. Бу борада «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни қабул қилиниши катта аҳамиятга эга. Ёш авлодни ҳар томонлама: ақлий, ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан ривожланишида жисмоний тарбия асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонунида «Мактабгача ёшдаги болалар, ўқувчилар, талабалар саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш, уларда жисмоний баркамоллик эҳтиёжини шакллантириш мактабгача тарбия муассасалари ва ўқув юртларининг асосий вазифаси хисобланади» дейилади.

Ватан, халқ шухратини дунёга ёйишда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни бекиёсдир. Жаҳон миқёсидаги турли, нуфузли мусобақаларда ўзбек ёшлари эришаётган ғалабалар бу ҳақиқатни тасдиқлаб турибди. Чунки баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори ва келажак асоси ҳисобланади. Она Ватан буюк бўлмоғи учун шу заминда яшовчилар ақлан ва жисмонан соғлом бўлишлари шарт. Маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаш фақат миллий эҳтиёжгина эмас, балки умумдавлат аҳамиятига молик масала ҳисобланиб, у кўпмиллатли Ватанимизда туғилиб ўсган, томир ёйган барча қардош халқлар учун бирдай эзгу мақсаддир. Лев Толстойнинг машҳур сўзи билан айтганда: “Маънан соғлом бўлиш учун жисман бардам бўлмоқ керак”.

Сўнгги йилларда жисмоний тарбия ва спорт ўқувчи-ёшлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги Фармонида кўра, спорт соҳасида иқтидорли болаларни ихтисослаштирилган спорт мактабларига танлаб олиш ва ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ҳамда маънавий соғлом бўлиб вояга етиши, уларни соғлом турмуш тарзига интилишлари ва спортга меҳр-муҳаббатни сингдириш ва қизиқишларини янада ошириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Мамлакатимиз ўтган қисқа даврда болалар спортини ривожлантириш соҳасида муайян ютуқларга эришди ва бугунги кунда жойларда спортга қизиқиш изчил кучайиб бориб, спортчи, эпчил ва чаққон, мард ва жасур йигит-қизларимизни машҳурликда дунё тан олмоқда. Спорт нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга етишда ҳам муҳим омилдир. У иродани тоблайти, аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгишга ўргатади. Инсон қалбида ғалабага ишонч, ғурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди.

**Тўртинчидан,** янги авлодни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, ҳеч шубҳасиз, давлат ва жамиятнинг эътибор



марказида туриши, давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолиши шарт;

Азал-азалдан ҳар қайси ота-она ўз боласининг соғлом ва баркамол, ақл-заковатли, бахтли бўлишини истайди. Шундай фарзандни вояга етказиш, унинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига эришиш – ота-онанинг энг улуғ, энг муқаддас орзуси, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

Биз соғлом деганда, нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам соғлом болани тасаввур этамиз. Мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб юртимизда соғлом она – соғлом бола масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлангани, кенг кўламли, умуммиллий дастурларимиз доирасида амалга ошираётган улкан ишларимиз жаҳон миқёсида ҳам тан олингани яхши маълум.

**Бешинчидан**, соғлом бола тарбиясида маҳалла ва ижтимоий тузилмаларнинг катта ўрни ва таъсири бор. Шу нуқтаи назардан қараганда, «Соғлом бола йили»да маҳалла оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маҳалла посбонларининг масъулияти янада ортади.

Тарих ва аждодлар қолдирган буюк маънавий мерос ва миллий қадриятларимиздан маълумки, қадимда ота-боболаримиз ўз наслларини умумбашарий туйғулар, ўлмас Шарқ фалсафаси, миллий қадриятларимиз руҳида тарбия қилиб келганлар ва улар асрлар давомида тилимизни, дилимиз ва динимизни, ўзбекнинг ўзлигини ҳар томонлама асраб-авайлаб, баркамол авлодларни вояга етказишни асосий мақсад қилиб қўйганлар.

Юқорида таъкидлаб ўтилган устувор вазифаларни амалга ошириш учун мавжуд норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш талаб этилади. Мустақиллик йилларида инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир 8 та конституциявий қонун, 15 та кодекс ва 600 дан ортиқ қонун қабул қилинган бўлиб, бу қонун ҳужжатлари инсон, хусусан, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

“Соғлом бола йили”нинг асосий мақсад ва вазифалари ҳақида гап борар экан, “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур” деган хикматли иборага алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Зотан, йигирма уч йиллик янги тарихимизда мустақилликка эришиш, Ўзбекистонимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши, жаҳон майдонида муносиб обрў топишида, бошқа мезонларни инкор этмаган ҳолда, Президентимиз таъкидлаганидек, энг муҳим омил бу ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмасдан, бошини баланд кўтариб яшайдиган, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга, халқимиз интилаётган келажаги буюк давлатни барпо этишга қодир бўлган баркамол авлодимиздир. Ана шу аён ҳақиқатни эл-юртимиз чуқур англаб, юрагидан, қалбидан ўтказиб, кенг қўллаб - қувватламоқда. Бинобарин, Конституциямиз негизига қўйилган талаб ва қоидаларга тўлиқ мос келадиган, дунё ҳамжамиятида “ўзбек модели”деб ном қозонган, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўли нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Бу борадаги теран ислохотларимиз натижаларини бутун жаҳон тан олаётгани, бизга ҳавас билан қараётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

## “Соғлом бола йили” Давлат дастури ҳақида

Жорий йилнинг 19 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлом бола йили” Давлат дастури тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Шунини ишонч билан айтиш мумкинки, бу мустақиллигимизнинг илк кунларидан жисмонан соғлом ва маънан етук баркамол авлодни тарбиялаш устувор вазифа этиб белгиланган ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг мантиқий давоми бўлди. Она ва бола, Ёшлар, Баркамол авлод, Оила ва бошқа номлар билан аталган йилларда амалга оширилган ишлар халқимизнинг эзгу орзуси бўлган соғлом болани тарбиялашдек олижаноб мақсадга ҳамоҳангдир. Ҳеч шубҳасиз, ҳар биримиз фарзандларимизни соғлом ва ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг бахт-саодати, ёруғ келажагини кўришни ният қиламиз. Ўтган даврда кенг миқёсли ва теран мазмунли улкан ишлар, мамлакатимиз ва жамиятимиз тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамият касб этувчи вазифаларни бажаришга йўналтирилган қатор умуммиллий дастурлар, биринчи навбатда, “Соғлом она – соғлом бола” дастури амалга оширилди. Фарзандларимиз ва халқимиз бахти, келажагимиз учун қилинаётган бу эзгу ишлар изчиллик билан давом этиб, тобора кенгайиб бораётгани, юксак самаралар бераётгани қувонарлидир. Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш доирасида юқори самарадорлиги бутун дунёда эътироф этилган она ва бола соғлиғини муҳофаза қилишнинг миллий модели шакллантирилди. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинлари, шу жумладан, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларнинг кенг тармоғи яратилгани натижасида аҳоли, авваламбор, қишлоқ жойлардаги оналар ва болаларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятлари кенгайди.

Сўнгги ўн йилда даволаш-профилактика муассасаларини модернизация қилиш ва энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун 750 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ йўналтирилди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оналар

ўлими 3,1 баробар, гўдаклар ўлими 3,2 баробар камайди. “Она ва бола скрининги” дастури амалга оширилиши натижасида туғма нуқсонли болалар туғилиши 2000 йилдан буён 1,8 марта камайди. Бугунги кунда мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. «Save the children» халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастурининг амалга оширилиши самаралари мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашга қаратилаётган улкан эътиборнинг яққол тасдиғидир. Маълумки, Ўзбекистонда 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилган, унинг сифати халқаро талабларга жавоб беради. 2004 йилдан буён умумтаълим мактабларини қуриш, моддий-техник базасини яхшилаш ва жиҳозлаш учун жами 2,8 триллион сўмдан ортиқ, болалар мусиқа ва санъат мактабларига 2009 йилдан буён 488 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Спорт мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашнинг ажралмас таркибий қисмига айланган. Уни болалар ва ўсмирлар, айниқса, қизлар ўртасида оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш бўйича ноёб тизим яратилди. Нафақат шаҳарларда, балки энг олис туманларда ҳам замонавий спорт комплекслари барпо этилди. 2003 – 2013 йилларда 1816 спорт объекти ишга туширилди, бу болаларни оммавий тарзда спорт билан мунтазам шуғулланишга ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда икки миллион нафарга яқин бола, шу жумладан, 842 минг нафар қизлар 30 дан ортиқ спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Мамлакатимизда маънавий ва маърифатни юксалтиришга, болаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Шу билан бир қаторда, ҳаётнинг ўзи олдимизга соғлом авлодни тарбиялашдек муҳим соҳада янги вазифаларни қўймоқда.

Масалан, профилактика ишлари даражаси ва тиббий хизматлар сифатини, айниқса, қишлоқ жойларда янада ошириш билан боғлиқ масалалар ҳамон долзарб бўлиб турибди. Никоҳдан ўтувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш сифатини янада яхшилаш, кўрикни амалга оширувчи мутахассислар масъулиятини кучайтириш лозим. Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, оила институтини мустаҳкамлаш ишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтда, соғлиқни сақлаш тизимига болаларнинг соғлиғини таъминлашдек улкан масъулият юкланган. Шу муносабат билан, жорий йилда соҳанинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, авваламбор, она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи тиббиёт муассасаларини энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, малакали кадрлар билан таъминлашга эътибор янада кучайтирилади. Албатта, соғлом болани тарбиялашда аҳолининг тиббий маданияти ҳам муҳим ўрин тутади, бу масала ҳануз долзарблигича қолмоқда. “Соғлом бола йили” Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирлар, аввало, шу муҳим масалаларни ҳал қилишга қаратилган. Жорий йилда Давлат дастурини амалга ошириш жараёнида бу ишларнинг барчаси янада юқори даражага кўтарилади. Дастурда аввало ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, мустақил фикрлай оладиган, юксак интеллектуал салоҳиятли, чуқур билимли ва замонавий дунёқарашга эга, мамлакат тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлодни шакллантириш, давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятларини ана шу мақсадларга сафарбар этишга доир кенг миқёсли чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Дастур етти бўлим ва 125 банддан иборат бўлиб, унда болалар туғилиши, таълим-тарбияси, оилада соғлом муҳитни, унинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа ривожига ажратилаётган маблағлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ барча масалалар акс этган. Биринчи навбатда, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани

янада такомиллаштириш, янги қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган. Саккизта қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилган. “Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлиги тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”, янги таҳрирдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир. “Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунда болаларнинг онгини бузувчи, рухий жароҳат етказувчи ахборот таъсиридан ҳимоя қилиш, оммавий ахборот воситаларида шафқатсизлик ва зўравонлик тарғиботига йўл қўймасликнинг таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий механизмлари кўзда тутилади. “Соғлом бола йили” Давлат дастурида оилада меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳити, юксак ахлоқий ва маънавий кадриятларни барқарор қилиш, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ўз иқтидорини рўёбга чиқариши учун зарур шароитлар яратиш, уларнинг кундалик рўзғор юмушларини енгиллаштириш каби биринчи даражали вазифалар белгиланган. Хотин-қизлар, болалар ва ўсмирларнинг сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида ҳар ойда соғломлаштириш ҳафталиклари ташкил этилади, шунингдек, мамлакатимиз етакчи тиббиёт муассасалари мутахассислари иштирокида олис туманларда яшовчи 145 минг нафар аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилади. Янги оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари, санатория-курорт объектлари барпо этиш, мавжудларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилади. Мамлакатимизда 130 та маданият ва дам олиш марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўн бешта янги маданият ва истироҳат боғларини

барпо этиш, мавжуд йигирма тўққизтасини реконструкция қилиш ва таъмирлаш режалаштирилган. Маиший техника ишлаб чиқариш ва уни харид қилиш учун истеъмол кредитлари ажратишни кенгайтириш ҳисобига хотин-қизларнинг маиший шароитларини яхшилаш ва рўзғор юмушларини енгиллаштиришга катта аҳамият берилмоқда. 194 тумандаги олис қишлоқларда гўзаллик салони, тикувчилик, таъмирлаш устахоналари ва бошқа хизмат кўрсатиш корхоналаридан иборат намунавий маиший хизмат мажмуалари очилади. Қишлоқ оилаларини замонавий уй-жой билан таъминлаш, уларнинг турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилади. 2014 йилда намунавий лойиҳалар асосида 11 мингта яқка тартибдаги уйлар қурилади. Икки минг ёш оилага уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган узок муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун фоизсиз ссудалар берилади. Туманлар марказлари ва қишлоқларда сув таъминоти ва канализация тизимларини яхшилашга доир қатор янги лойиҳалар амалга оширилади. Жорий йилда соғлом фарзандлар туғилиши ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун шарт-шароитларни янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади. МДХ мамлакатларида ўхшаши бўлмаган замонавий кўп тармоқли болалар марказини (IV даражали) қуриш ва уни юқори технологик тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш кўзда тутилган. Республика ихтисослашган педиатрия илмий-амалий марказининг қатор бўлинмалари, ТошПТИ клиникалари, 13 та вилоят кўп тармоқли болалар тиббий марказлари, 62 та туман тиббиёт бирлашмалари ва бошқа тиббий, тиббий-ижтимоий муассасалар қурилади ҳамда тубдан таъмирланади. Уларнинг барчаси замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланади, бу болаларга жаҳон стандартлари даражасида ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради. Аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлигини таъминлашнинг энг самарали воситаларидан бири юқумли касалликлар профилактикасиدير. Шу мақсадда турли инфекцияларга қарши янги вакциналарнинг босқичма-

босқич жорий қилинишини ҳисобга олиб, болаларни эмлаш дастурини такомиллаштириш зарур. Миллий эмлаш тақвими асосида контингентнинг камида 97 фоизини қамраб олган профилактик вакцинация қилиш кўлами кенгайтирилади. Йил давомида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва ўқувчиларнинг 6,6 миллионга яқини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади, таркибида йод моддаси бўлган дори-дармонлар воситасида соғломлаштирилади. Қишлоқларда яшайдиган оналарнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида 400 минг нафар ҳомиладор аёл махсус поливитаминлар билан бепул таъминланади. “Соғлом бола йили” Давлат дастурида мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, шу жумладан, уларни тубдан таъмирлаш ва жиҳозлаш, янгиларини қуришга йўналтирилган аниқ вазифалар белгиланган. Болаларни мактабга тайёрлаш бўйича мутлақо янги дастурларнинг ишлаб чиқиши ва жорий этилиши белгиланган бўлиб, уларда болаларнинг ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши кўзда тутилган. “Баркамол авлод” болалар марказларини шакллантириш дастурининг амалга оширилиши жараёнида 66 та шундай марказлар тубдан таъмирланади ва жиҳозланади. Бу болаларни ижодга, шу жумладан, техник ижодий ишларга янада кенг жалб қилишга кўмаклашади. Бошланғич синфларда ўқитиш сифатини янада кўтариш чоралари белгиланган. Жумладан, 1 – 4 синф ўқувчилари учун ўқув дастурлари ва дарсликларнинг қайта кўриб чиқиши, шунингдек, ўқитувчилар учун тегишли услубий қўлланмалар ишлаб чиқиши назарда тутилган. 2014 – 2015 ўқув йилида 2,6 миллион ўқувчи 575 номдаги 25 миллион нусха дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминланади. “Миллий умумтаълим электрон кутубхона” лойиҳасининг амалга оширилиши ҳам болаларнинг интеллектуал ривожланишига кўмаклашади. Лойиҳада турли билим олишга оид ва ўқув материалларини электрон шаклга ўтказиш маркази, мультимедиа ахборот ресурслари маркази, шунингдек, интеграциялашган ахборот-кутубхона тармоғи



ташқил этилиши, Ўзбекистондаги барча ахборот-кутубхона муассасаларининг 2020 йилгача ушбу тармоққа уланиши мўлжалланган. Мамлакатимизда ота-она меҳридан маҳрум ва имконияти чекланган болаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. 2015 – 2017 йилларда Меҳрибонлик уйлари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва мактабгача тарбия муассасаларининг моддий-техник базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўқув-тарбия жараёнини тубдан такомиллаштириш чоралари кўрилади. Бу йил режалаштирилган қатор қизиқарли тадбирлар ўқувчиларнинг ақлий, ижодий ва спортга оид лаёқатларини ривожлантиришга қаратилган. Наманган вилоятида ўтган “Баркамол авлод” спорт ўйинлари, болалар ижодиёти республика фестиваллари, “Она юрт наволари” халқ чолғу асбоблари халқаро танлови, “Энг ёш ихтирочи” танлови ва бошқа тадбирлар шулар жумласидандир. Давлат дастурида 60,1 мингта ўқув ўринга мўлжалланган 380 та умумтаълим мактабларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш, уларни компьютер техникаси, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа ускуналар билан таъминлаш белгиланган. Бундан ташқари, 161 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей, 48 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 110 та болалар спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва тубдан таъмирлаш режалаштирилган. Мамлакатимизда болаларнинг чет тилларни ўрганишига катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда мактаблардаги чет тиллари хоналарини замонавий ахборот-коммуникация ва техника воситалари билан жиҳозлаш кўзда тутилган. Бошланғич синф ўқувчиларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш давом эттирилади. Жумладан, 586,9 минг нафар биринчи синф ўқувчиларига ўқув жиҳозлари тўпламлари ва 6,5 миллион нусхадаги дарсликлар, умумтаълим мактабларининг 500 мингдан ортиқ 2-синф ўқувчиларига чет тиллар бўйича мультимедиа иловали дарсликлар бепул берилди. Ёзги таътил даврида болаларнинг ҳордиқ чиқариши ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишини таъминлаш мақсадида

соғломлаштириш оромгоҳларига 280 минг нафар ўғил-қиз имтиёзли, 35,7 минг нафари бепул йўлланмалар билан таъминланади. Тошкент ва Термиздаги ҳайвонот боғларининг, Тошкентдаги ботаника боғининг реконструкция қилиниши, Самарқанд ва Фарғонада Тошкент ҳайвонот боғи филиалларининг очилиши, Зарафшон шаҳрида аквапарк қурилиши, шунингдек, Республика кўғирчоқ театри ва «Томоша» болалар мусикали театр студиясининг капитал таъмирдан чиқарилиши мўлжалланган. Халқимизга хос бағрикенглик, муҳтожларга кўмак бериш каби фазилатларни акс эттирувчи кўплаб тadbирларни ўтказиш режалаштирилган. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кам таъминланган оилалар фарзандларига 516,9 минг тўпلامдаги қишки кийим ва 3,1 миллион нухада дарслик, ўқув қуроллари бепул берилади. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандларини халқимизнинг бой тарихий ва маданий мероси билан таништириш мақсадида Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларига бепул саёҳатлар, шунингдек, музейлар, ҳайвонот ва ботаника боғларига экскурсиялар ташкил этилади. 2014 йил ноябрь ойида Тошкентда “Бола учун ижтимоий шериклик: миллий ва хорижий илғор тажриба” мавзуида халқаро форум ўтказилади. Мамлакатимиз учун долзарб ушбу вазифаларни оилалар, мактаблар, соғлиқни сақлаш тизими, давлат ва жамоат ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ўзаро ҳамкорлигида амалга ошириш мумкин. Давлат дастурида соғлом болани тарбиялашда, оилаларга, биринчи навбатда, ёш оилаларга ўз вақтида ва манзилли моддий ҳамда маънавий кўмак беришда маҳалла институтининг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга, ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. “Соғлом бола йили” Давлат дастурида белгиланган эзгу ишларнинг рўйхатини яна узоқ давом эттириш мумкин. Президентимиз Ислom Каримов таъкидлаганидек, биз таянчимиз ва суянчимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат-эътибор

билан қарашни келажакимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат-эҳтиром ифодаси, деб биламиз. “Соғлом бола йили” Давлат дастури бунинг яна бир ёрқин тасдиғидир. Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбирларга 4 509,2 миллиард сўм ва 302,9 миллион доллар миқдорида маблағ йўналтирилади. Мазкур дастурнинг бажарилиши мамлакатимиз учун асосий мақсади инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар йўлида навбатдаги муҳим қадам бўлади.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов  
ва машхур файласуфларнинг баркамол авлодни тарбиялашда  
таълим-тарбия ва спортнинг аҳамияти ҳақида хикматга  
айланган фикрлари***

Фарзандларимизни соғлом ўстириш, ҳам маънавий, ҳам жисмоний нуқтаи назардан ҳавас қиладиган баркамол авлодни ўстириш, ёшларимизни спорт орқали “парвоз” қилишига эришиш, болалар спортининг ривожини Ватанга садоқат уйғотиши ва келажакка ишонч туғдириши керак.

Ислом Каримов

Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машхур қила олмайди.

Ислом Каримов

Спорт одамни мард, матонатли, бардошли қилиб тарбиялайди.

Ислом Каримов

Биз ўз истеъдодли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиши учун қанот беришимиз керак.

Ислом Каримов

Биз учун истиқлол – миллатимиз, мамлакатимизнинг жаҳонда обрў-эътибори, шон-шарафини кўтарадиган соғлом авлодни, ҳар жиҳатдан баркамол ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш, уларни вояга етказиш ва бахтини кўришдир.

Ислом Каримов

Ҳар қандай миллатнинг равнақи, умумбашарият тарихида тутган ўрни, мавқеи ва шуҳрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуқлигига боғлиқдир.

Ислом Каримов

Ёмғир дарахт баргларидаги чангу ғуборни ювгани каби гимнастика жисм ғуборини тозалайди.

Гиппократ

Одамнинг кимлиги бўйи билан белгиланмаганидек, халқнинг улуғлиги ҳам сони билан ўлчанмайди. Ягона мезон – унинг ақлий камолоти ва ахлоқий баркамоллигидир.

Виктор Гюго

Ҳар қандай одамга унинг қилган ишларига қараб баҳо бериш керак.

Сервантес

Соғлом одам табиатнинг энг бебаҳо асаридир.

Томас Карлейл

Ўсиб-улғайиш ҳар жиҳатдан – жисмоний ҳам, унга уйғун ҳолда ақлий, эстетик, ахлоқий жиҳатдан ҳам мутаносиб бўлмоғи керак.

Петр Лесгафт

Гўзаллик туйғусини сингдирмай туриб, баркамол инсонни вояга етказиш мумкин эмас.

Тагор

Бадантарбия билан шуғулланган, ножўя ишлардан ўзини тийган одам табобатга ортиқча эҳтиёж сезмайди.

Жозеф Аддисон

## **“Соғлом бола йили”да амалга ошириладиган ишлар ҳақида қисқача маълумотлар**

- “Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлиги тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”, янги таҳрирдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида”ги ва бошқа саккизта қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилган.

- Хотин-қизлар, болалар ва ўсмирлар учун ҳар ойда соғломлаштириш ҳафталиклари ташкил этилади.

- Олис туманларда яшовчи 145 минг нафар аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади.

- Янги оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари, санатория-курорт объектлари барпо этиш, мавжудларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилади.

- Мамлакатимизда 130 та маданият ва дам олиш марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўн бешта янги маданият ва истироҳат боғларини барпо этиш, мавжуд йигирма тўққизтасини реконструкция қилиш ва таъмирлаш режалаштирилган.

- 194 та тумандаги олис қишлоқларда гўзаллик салони, тикувчилик, таъмирлаш устахоналари ва бошқа хизмат кўрсатиш корхоналаридан иборат намунавий маиший хизмат мажмуалари очилади.

- 2014 йилда намунавий лойиҳалар асосида 11 минг якка тартибдаги уйлар қурилади.

- Икки минг ёш оилага уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун фоизсиз ссудалар берилади.

- Туманлар марказлари ва қишлоқларда сув таъминоти ва канализация тизимларини яхшилашга доир қатор янги лойиҳалар амалга оширилади.

- МДХ мамлакатларида ўхшаши бўлмаган замонавий кўп тармоқли болалар марказини (IV даражали) қуриш ва уни юқори технологик тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш кўзда тутилган.

- Республика ихтисослашган педиатрия илмий-амалий марказининг қатор бўлинмалари, ТошПТИ клиникалари, 13 та вилоят кўп тармоқли болалар тиббий марказлари, 62 та туман тиббиёт бирлашмалари ва бошқа тиббий, тиббий-ижтимоий муассасалар қурилади ҳамда эскилари тубдан таъмирланади.

- Миллий эмлаш тақвими асосида контингентнинг камида 97 фоизини қамраб олган профилактик вакцинация қилиш кўлами кенгайтирилади.

- Йил давомида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва ўқувчиларнинг 6,6 миллионга яқини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилади, таркибида йод моддаси бўлган дори-дармонлар воситасида соғломлаштирилади.

- Қишлоқларда яшайдиган оналарнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида 400 минг нафар ҳомиладор аёл махсус поливитаминлар билан бепул таъминланади.

- Болаларни мактабга тайёрлаш бўйича мутлақо янги дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши белгиланган бўлиб, уларда болаларнинг ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши кўзда тутилган.

- 66 та болалар марказлари тубдан таъмирланади ва жиҳозланади.

- 1 – 4 синф ўқувчилари учун ўқув дастурлари ва дарсликларнинг қайта кўриб чиқилиши, шунингдек, ўқитувчилар учун тегишли услубий қўлланмалар ишлаб чиқилиши назарда тутилган.

- 2014 – 2015 ўқув йилида 2,6 миллион ўқувчи 575 номдаги 25 миллион нусха дарсликлар ва ўқув-услубий кўлланмалар билан таъминланади.

- “Миллий умумтаълим электрон кутубхона” лойиҳасида турли билим олишга оид ва ўқув материалларини электрон шаклга ўтказиш маркази, мультимедиа ахборот ресурслари маркази, шунингдек, интеграциялашган ахборот-кутубхона тармоғи ташкил этилиши, Ўзбекистондаги барча ахборот-кутубхона муассасаларининг 2020 йилгача ушбу тармоққа уланиши мўлжалланган.

- 2015 – 2017 йилларда Меҳрибонлик уйлари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва мактабгача тарбия муассасаларининг моддий-техник базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўқув-тарбия жараёнини тубдан такомиллаштириш чоралари кўрилади.

- Бу йил “Баркамол авлод” спорт ўйинлари, болалар ижодиёти республика фестиваллари, “Она юрт наволари” халқ чолғу асбоблари халқаро танлови, “Энг ёш ихтирочи” танлови ва бошқа қизиқарли тадбирларни ўтказиш режалаштирилган.

- Мактаблардаги чет тиллари хоналарини замонавий ахборот-коммуникация ва техника воситалари билан жиҳозлаш кўзда тутилган.

- 586,9 минг нафар биринчи синф ўқувчиларига ўқув жиҳозлари тўпламлари ва 6,5 миллион нусхадаги дарсликлар, умумтаълим мактабларининг 500 мингдан ортиқ 2-синф ўқувчиларига чет тиллар бўйича мультимедиали иловали дарсликлар бепул берилади.

- Болаларнинг ҳордиқ чиқариши ва бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун соғломлаштириш оромгоҳларига 280 минг нафар ўғил-қиз имтиёзли, 35,7 минг нафари бепул йўлланмалар билан таъминланади.

- Тошкент ва Термиздаги ҳайвонот боғларининг, Тошкентдаги ботаника боғининг реконструкция қилиниши, Самарқанд ва Фарғонада Тошкент ҳайвонот боғи филиалларининг очилиши, Зарафшон шаҳрида аквапарк



қурилиши, шунингдек, Республика кўғирчоқ театри ва “Томоша” болалар мусикали театр студиясининг капитал таъмирдан чиқарилиши мўлжалланган.

- Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кам таъминланган оилалар фарзандларига 516,9 минг тўпلامдаги кишки кийим ва 3,1 миллион нусхада дарслик, ўқув қуроллари бепул берилади.

- Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандлари учун Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларига бепул саёхатлар, шунингдек, музейлар, ҳайвонот ва ботаника боғларига экскурсиялар ташкил этилади.

- 2014 йил ноябрь ойида Тошкентда “Бола учун ижтимоий шериклик: миллий ва хорижий илғор тажриба” мавзuida халқаро форум ўтказилади.

- 25 – 30 июн кунлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ЮНИСЕФ ҳамкорлигида 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болаларни соғломлаштириш мақсадида “Соғлом бола ҳафталиги” ўтказилади.

- Тошкент шаҳар маънавият ва маърифат кенгаши томонидан 2 апрель – “Халқаро болалар китоблари куни”да **“Фарзандимга китоб совға қиламан”** лойихаси амалга оширилди.

- Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбирларга 4 509,2 миллиард сўм ва 302,9 миллион доллар миқдорида маблағ йўналтирилади.

## **“Соғлом бола – жамият гултожи” мавзуида китоб-расмли кўргазма тайёрлашнинг тахминий режаси**

Китоб кўргазмасини “Соғлом бола йили”га бағишлаб ахборот-кутубхона муассасаларида ташкил этишни тавсия қиламиз. Ушбу кўргазманинг виртуал кўринишини ахборот-кутубхона муассасаларининг расмий сайтларида ҳам ташкил этиш мумкин. Бунда мавзуга доир адабиётлар ва уларнинг аннотацияси ва тегишли ҳужжатлар, расмлар жойлаштирилади. Кўргазма кўйидаги бўлимлардан иборат бўлиши мумкин.

### **1. Бола ҳуқуқлари – давлат ҳимоясида**

*Болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишларидан бири “Халқаро ҳамжамият ва тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилши учун ҳаракат қилаётган жамият, биринчи навбатда, бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун улуғ, керак бўлса, муқаддас иш деб билади”.*

*И. Каримов*

Бу бўлимга бола ҳуқуқлари тўғрисида ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар, “Соғлом бола йили”га оид материаллар, Президентимиз И. А. Каримовнинг асарлари, давлат дастури кўйилади.

### **2. Озод юрт фарзандлари**

*“Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт.*

*И. Каримов*

Бу бўлимга юртимизда ҳукуматимиз томонидан ёшларга ва болаларга берилаётган ҳар томонлама эътибор, ғамхўрлик ҳамда

имкониятлар, шунингдек, барча соҳада мустақил юрт фарзандларининг эришган ютуқ ва ғалабалари ҳақида материаллар қўйилади.

### **3. Келажагимиз соҳиби**

*"Жондан азиз фарзандлармизни нафақат ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом қилиб ўстириш, шу билан бирга, уларни ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб, энг замонавий, биз яшаётган XXI аср талаб қилаётган интеллектуал билим ва бойликка эга бўлган инсонлар бўлиб ҳаётга кириб боришини таъминлашда кўришимиз ҳам қарз, ҳам фарздор".*

*И.Каримов*

Бу бўлимга соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш шунингдек маънавият, маърифат, тарбия масалаларига доир олимларнинг асарлари, фикр-мулоҳазалари жам бўлган адабиётлар қўйилади.

### **4. Фарзандлар камоли – олий саодат**

*"Азал-азалдан ҳар қайси ота-она ўз боласининг соғлом ва баркамол, ақл-заковатли, бахтли бўлишини истайди. Шундай фарзандни вояга етказиш, унинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига эришиш – ота-онанинг энг улуг, энг муқаддас орзуси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Биз соғлом деганда, нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам соғлом болани ўзимизча тасаввур этамиз."*

*И.Каримов*

Бу бўлимга 2 апрель – Халқаро болалар китоби куни ва 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган материаллар қўйилади.

## **“Ҳар бир фарзандга – меҳр, эътибор!” ҳафталик дастури**

Ушбу дастур намунавий бўлиб тадбирларни ахборот-кутубхона муассасаларида ўтказишни тавсия қиламиз. Ахборот-кутубхона муассасалари ўз имконият ва шароитларидан келиб чиқиб тўлиқ равишда ёки ҳафталикнинг маълум бир кунини белгилаб ўтказишлари мумкин. Дастурга ўзгартириш ва қўшимча киритилиши мумкин. Ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари қўлланмада берилган материаллар ва адабиётлар рўйхатида келтирилган манбалар асосида тадбирларни тўлдиришни тавсия қиламиз. Биз ахборот-кутубхона муассасаларида ўтказиш мумкин бўлган умумий йирик тадбирлар туркумини намуна сифатида келтирдик.

1 кун

### **Фаровон юрт фарзандлари**

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ахборот-кутубхона муассасасида “Очик эшиклар куни” тадбири

**“Эртамик бугундан бошланади”** мавзуида кўргазма ва расмлар, шунингдек, бошқа ижодий танловлар тадбири

2 кун

### **Билим бекати**

“Болаларни китоб ўқишга жалб қилишда ахборот-кутубхона муассасаларининг ўрни ва устувор вазифалари” мавзуида давра суҳбати

“Китоб ўқиш санъати” мавзуида тренинг

3 кун

**Барча шодлик сенга бўлсин...**

Ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, рассомлар, адабиётшунослар ва бошқа соҳа вакиллари билан ижодий учрашувлар ўтказилади.

4 кун

**“Соғломжон – полвонжон“ спорт мусобақалари**

5 кун

**Қувончдан янграсин олам**

“Моҳир қўллар” ва “Маҳорат мактаби”, “Эртақлар оламига саёҳат” каби турли хил тадбирлар.

Ҳафталикнинг ёпилиши.

Тадбирларнинг фаол иштирокчиларини ва ғолибларни мукофотлаш.

**Кутубхоналар музейга айланмасин**

2011 йилнинг 27 январь санасида БМТ қошидаги Халқаро электралоқа уюшмаси Бош котиби Ҳамадун Туре бутун дунёдаги интернет фойдаланувчилари сони 2 миллиардга етгани тўғрисида хабар берганди. Сайёраимиз аҳолиси салкам 7 миллиардни ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, демак, Ер юзидаги ҳар учинчи одам жаҳон тармоғига мурожаат қилади. Фаол интернет фойдаланувчиларининг 57 фоизи ривожланаётган мамлакатларда яшайди. Сўнгги йилларда МДҲ ҳамда араб мамлакатлари аҳолиси ҳам интернетга уланиш борасида юқори кўрсаткичларни намоиш қилишмоқда. Жаҳон аҳолисининг катта ва чексиз ахборот манбаларидан эркин фойдалана олиш имконияти маънавий хавфсизлик масаласи борасида қатор муаммоларни юзага келтиради. Баъзи одамлар яқин келажакда кутубхоналар ҳам музейлар сингари ўн йилда бир бориладиган масканга айланиб қолишидан хавотирда. Эҳтимол, бунга арзигулик сабаблар бордир. “Гугл” тизими ҳаётимизни анча қулайлаштиргани бор гап, буни инкор этиш ниятимиз йўқ, у ҳозирги тезкор шароитда ахборот топишнинг

энг кулай усули. Лекин тезкорлик таълим сифати ва маънавий кадрятларга зиён етказмаслиги керак.

**Висола  
ҚАРШИБОЕВА**

Ахборот асрида таълим-тарбия китобидан олинди.

## **Дунё миқёсида нишонланадиган болаларга оид байрамлар ҳақида маълумотлар**

**2 апрель – Халқаро болалар китоби куни.** Бу сананинг ҳам ўзига хос тарихи бор, албатта. 1967 йилда Халқаро болалар китоблари кенгаши – “International Board on Books for Young People” (IBBY) томонидан 2 апрель санасини халқаро болалар китоблари куни деб нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинган. Бу сана тасодифан танланган эмас. Гап шундаки, ушбу кунда дунё болаларининг севимли эртақчиси Ганс Христиан Андерсен дунёга келган.

Бутун дунё бўйлаб, ҳар йилнинг **1 июнь куни “Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни”** сифатида нишонланади (ингл. *International Children's Day*). Ушбу байрам кўпчилик давлатларда “Халқаро болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни” сифатида ҳам эътироф этилади. Ҳар бир байрамнинг келиб чиқиш тарихи, ҳуқуқий асоси мавжуд. Шу жумладан, мазкур байрамнинг ҳам.

Қизиқ, “Халқаро болалар куни” нега айнан 1 июнь куни нишонланади? Бу борада бир қанча фаразлар мавжуд. Хусусан, илк марта мазкур кунни нишонлаш ғояси 1925 йили Женевада болалар фаровонлигига бағишланган Бутунжаҳон конференциясида илгари сурилган. Ушбу конференция ўтказилиш санаси айнан 1 июнь кунига тўғри келган.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, болалар саломатлиги ва уларнинг ҳуқуқлари дунё ҳамжамияти олдидаги энг долзарб муаммолардан бирига айланган. 1949 йили Париж шаҳрида Халқаро аёллар демократик федерациясининг конгрессида болалар ҳуқуқларини камситишга қарши курашиш дунёнинг ҳар

бир аҳолиси олдида турган бирламчи вазифалардан эканлиги таъкидланади ва йилнинг бир кунини айнан шу мавзуга бағишлашга келишиб олинади. Илк марта “Халқаро болалар куни” 1950 йилнинг 1 июнь кунда нишонланган эди.



“Халқаро болалар куни” учун махсус байроқ ҳам ясалган. Мазкур байроқ ўзининг рамзий маъносига эга. Орқа фондаги яшил ранг юксалиш, беғуборлик, фаровонлик рамзи бўлса, марказдаги Ер шари ва унинг атрофидаги кизил, кўк, сариқ, оқ ва қора ранглар дунёнинг исталган бурчагидаги болалар ирки, миллатидан қатъий назар, тенг эканлигини ифодалайди.

Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида гап кетганда, энг аввало, кўз олдимизга “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция келади. Мазкур Конвенция Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеясининг 1989 йил 20 ноябрдаги 44/25-қарори билан қабул қилинган ҳамда 1990 йил 2 сентябрда 49-моддага мувофиқ кучга кирган. Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга 1992 йил 9 декабрдаги 757-ХП сонли Қарорига мувофиқ қўшилди ва мазкур у 1994 йил 29 июлдан кучга кирган.

Ушбу Конвенция 54 моддадан иборат бўлиб, унинг бандлари болалар ҳуқуқларини таъминлаш, болаларни жисмоний ва руҳий қийноқлардан асраш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича ягона ҳуқуқий кўрсатмаларни белгилаб беради. Конвенцияни БМТга аъзо давлатлар томонидан қабул қилинган. Фақатгина 3 та давлат: АҚШ, Жанубий Судан ва Сомали давлатлари Конвенцияни қабул қилмаган.

2000 йили Конвенция борасида иккита факультатив протоколлар қабул қилинди. Бири қуролли тўқнашувларда

болаларнинг иштироки борасида бўлиб, ушбу протоколга 150 та давлат қўшилган. Иккинчиси болалар савдоси, болаларни фоҳишабозликка жалб қилиш ва болалар порнографияси бўйича бўлиб, уни 160 дан ортиқ давлатлар қабул қилган. Иккала протокол ҳам 2002 йилдан кучга кирган.

